

Published Date: - 18-10-2023

ТУРК ТИЛИ ТАЪЛИМИДА СЎЗ БОЙЛИГИНИ ОРТТИРИШ

ЙЎЛЛАРИ

С.Тошалиева
ТДШУ Турк филологияси
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада сўз бойлигини ошириш усуллари, хорижий тил таълимида янги сўзлар билан ишлаш ва уларни нутқда қўллай олиш кзникмасини ҳосил қилиш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг мазмун майдони, сўз ва ибораларнинг маъноларини изоҳлаш, ёзма ва оғзаки нутқ.

В данной статье говорится о методах увеличения словарного запаса, работы с новыми словами в процессе обучения иностранному языку и формировании навыка умения использовать их в речи.

Ключевые слова: увеличение словарного запаса, смысловое поле слов, интерпретация значений слов и словосочетаний, письменная и устная речь.

This article talks about methods of increasing vocabulary, working with new words in the process of learning a foreign language and developing the skill of using them in speech.

Key words: increasing vocabulary, semantic field of words, interpretation of the meanings of words and phrases, written and oral speech.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши хорижий тил мутахассисларининг малакавий иқтидорини ошириш учун катта имкониятлар яратди. [1]. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилиши ҳам соҳада янги имкониятларнинг яратилишига хизмат қилади. Тил таълимни юқори даражага чиқариш учун талабаларда тилни қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилиш лозим. Шу йўсинда кўпроқ нутқий мулоқот омилига таяниб тил ўргатилсагина, ўша тил умуммиллий мулоқот, умуммиллий маданият қуролига айланади. Хорижий тил таълимида сўз бойлигини ошириш алоҳида муҳим вазифалардан бири саналади. Тилни ўқитиш жараёнида ўрганувчининг

Published Date: - 18-10-2023

сўз бойлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар, воситалар таълим сифатини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади. Талабалар томонидан ўрганилаётган хорижий тилнинг барча услубларида қўлланидиган лексемаларни ўзлаштириш, ёзма ва оғзаки нутқда қўллай олиш малакасини шакллантириш таълим жараёнининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, амалий дарсларда бажариладиган топшириқлар ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

Маълумки, сўз-тилнинг асосий бирлиги бўлиб, бир ёки ундан ортиқ маънони ифодалайди. Инсоннинг сўз бойлиги қайсидир маънода унинг дунёқарашини, ақлий салоҳиятини белгилаб беради. Турли фикрларни, ҳис-туйғуларни ифодалаш учун етарлича сўз ва луғавий birlikларни билиш керак бўлади. Кишиларнинг сўз бойлиги болалиқдан шаклланиб, кейинги ҳаёти давомида янада бойиб ва кенгайиб боради. Янги тушунчалар билан бирга янги сўзларни ўрганиб, дунёни идрок этади. Жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, инсонлар билан мулоқот қилиш ҳам биздан маълум бир даражада сўз бойлигини талаб этади. Ўз она тилида ҳам жуда кам сўз қўллайдиган киши фикрларини аниқ ва лўнда ифодалай олмайди, қолиплаган ифодалардан нарига ўта олмайди. Хорижий тилни ўқитиш жараёнида ҳам сўз бойлигини оширишга катта эътибор қаратилиши лозим. Ўрганилаётган тилдаги ҳар бир сўз бизга бошқа миллатнинг маданияти, дунёқараши ҳақида маълумот беради. Тилнинг ўзига хос тизими, грамматик, синтактик хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда сўз бойлигини оширишга қаратилган фаолият турлари амалга оширилиши керак бўлади. Ҳар бир сўзни жойида қўллай олиш, ўринли ишлатиш кўникмасини ҳосил қилиш лозим. Нотаниш матнни ўқиш ёки тинглаш жараёнида биринчи марта учраган сўзларнинг маъносини билмасак ҳам матннинг умумий маъносини тушунишимиз мумкин. Лекин сўзлаб беришда ёки ёзма баёнда қайсидир сўзни билмаслигимиз яққол кўзга ташланади. Киши қанчалик кўп сўз билса, фикрларини шунчалик лўнда ифодалай олади. Бу мақолада сўз бойлигини ошириш учун эътибор

Published Date: - 18-10-2023

қаратилиши лозим бўлган қуйидаги жиҳатлар турк тилини ўқитиш мисолида кўриб чиқилади.

Янги сўзларни ўргатишда нутқий парчалар, матн ва жумлалардан фойдаланиш. Сўзларни алоҳида ёзиб шунчаки ёд олиш эмас, балки маълум бир ҳолат, вазият билан боғлиқликда эслаб қолиш керак. Масалан, Тана аъзолари номларини ўрганишлари учун “Doktorda” матни тавсия этилади.

Ўрганилиши лозим бўлган сўзларнинг рўйхатини бериб, талабадан ёд олишини талаб қилиш унчалик самарали йўл эмас. Чунки, ҳар бир сўзни эслаб қолиш учун маълум бир шароит (матн, диалог, аудиоматн, машқ) бўлиши даркор. Талабалар у ёки бу сўзни топа олмай қолишганда ўша сўз учраган матнни эслатишингиз билан уларнинг ёдига тушади.

Сўзларни эслаб қолишлари учун талабаларга уларнинг яшаш тарзлари ва дунёқарашларига мос келадиган мисоллар таркибида келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Кузатишимизча, кундалик ҳаётда ишлатишлари мумкин бўлган гапларнинг таркибида берилган сўзларни ёдлаб олишлари нисбатан осон кечади. Турк тили дарсларида кўп маъноли сўзларнинг ишлатилишига алоҳида эътибор бериш керак. Масалан, “kırmak” сўзининг маънолари изоҳланар экан, қуйидаги мисолларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Kalbimi kırdın. (ранжитмоқ)

Samları kırdı. (синдирмоқ)

Rekor kırdı. (ўрнатмоқ)

Okulu kırdı. (дарсдан қочмоқ) Бу мисолларда куришиб турибдики биргина сўзнинг тўрт маъносини эслаб қолиш керак.

Сўз бойлигини оширишга қаратилган амалий машғулотларда эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир жиҳат- сўзларнинг мазмун майдони. Масалан гул номлари (lale, karanfil, leylak, menekşe), иқтисодиёт соҳалари (gıda sanayii, tarım sanayii, madencilik, turizm sanayii) маълум бир мазмун майдонидаги сўзларни эслаб қолиш анча осон булади.

Published Date: - 18-10-2023

Талабаларга маълум мавзуларда кичик хабар ёки матн тайёрлаш топширилганда уларнинг сўзларни топа олишига ва ўринли қўллай олишига аҳамият бериш керак. Ўзлари луғат ёрдамида топиб ўрганган сўзлари ўқитувчи томонидан берилган сўзларга қараганда анча осон ёдланади. Сўзларни фақатгина ёдлаш эмас балки маъноларини тушуниш ва нутқда ишлата олиш муҳимдир.

Ўқитувчидан талаб этиладиган вазифа- дарс жараёнида учраган нотаниш сўзларнинг маъносини, қўллаш имкониятларини, услубий хусусиятларини тўлиқ тушунтириб бериши керак.

Сўзларни эслаб қолишда маънодош ва зид маъноли сўзларни ёзиб олиш ҳам самарали усуллардан биридир. Синоним сўзларнинг қўлланилиш ўринлари ҳақида мисоллар ёрдамида маълумот бериш керак. Тушунча ва нарсаларни ифодаловчи синоним сўзларнинг ҳар бирини алоҳида мисоллар билан эслаб қолиш. Турк тилида *millet halk ulus* сўзларини қуйидаги мисолларда тушунтириш мумкин: *Millet buna ne der. Türk halk müziği. Uluslararası ilişkiler ulusal bayramlar.*

Ак ва *beyaz*, *kara*, *siyah* лексемалари маънодош бўлса ҳам ҳар доим ҳам бир-бирининг ўрнига ишлатилмайди. [2]. *Kara para, kara haber, kara gözlü, gözü kara, siyah saçlar* каби мисоллар келтирилиб, ҳар бирининг маънолари изоҳланса мақсадга мувофиқ бўлади. Ёки *evlat-çocuk-yavru* сўзлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Муҳими- ўрганилган сўзларнинг синонимларини ва антонимларини қай ўринларда қўллаш кераклигини тушунтириш ва бу борада кўникма ҳосил қилишдир.

Биз матн ичида бир қанча сўзларни белгилаб, тушунтиришимиз мумкин. Лекин бу сўзларнинг талаба томонидан гап тузиш, баён этиш шаклида бевосита нутқда ишлатилиши сўз бойлигини оширишга омил бўлади. Шу боис талабаларнинг бу каби фаолиятларини кўпайтириш, уларнинг эркин сўзлашлари учун қулай шароит яратиш лозим бўлади.

Published Date: - 18-10-2023

Бундан ташқари, турк ва ўзбек тилларидаги муштарак сўзларнинг маъно жиҳатлари алоҳида таъкидланиши керак. [3]. Туркчада бошқа маънода келган сўзларни эслаб қолиш кўпинча талабаларга қийинчилик туғдириши кузатилади. Масалан: zor – зўр, İhtiyar – Ихтияр, düşünmek – йиқилмоқ, düşünmek – ўйламоқ

Турк ва ўзбек тиллари қардош тил эканлиги ўрганувчиларга баъзан қулайлик туғдирса баъзан эса аксинча чалғитиши мумкин. Ҳар икки тилда мавжуд лекин маънолари фарқли чалғитувчи сўзлар жуда кўп бўлиб, ана шундай бирликларни маънолари билан эслаб қолишга катта эътибор берилиши керак. Сўзларнинг эслаб қолиниши ва нутқда қўлланилишини таъминлаш учун ҳар доим мана шу ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ёдда тутиш керак бўлади.

Талабаларнинг сўзларни ўзлаштиришларига қаратилган бир қанча методлар мавжуд. [4]. Ўзбекча сўзларни айтиб туркча муқобилини топиш, луғат- диктантлар ёзиш, турли мазуга оид кроссвордлар тузиш, бир ҳарфдан бошланган сўзлар иштирокида гап ва тезайтишлар тузиш, ‘kelime oyunu’ ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Туркча сўзларнинг имлоси ва талаффузига алоҳида эътибор бериш керак.

Баъзи мавзуларни мустаҳкамлашда кластер методини қўллаш мумкин. Талабалар икки гуруҳга бўлиниб кластер тузишлари сўралади. Масалан яхши ва ёмон хислатлар İyi ve kötü hasletler

Иқтисод йўналишида таълим олаётган талабаларга интервью методини қўллаган ҳолда иқтисодий терминларни қўллай олиш кўникмасини шакллантириш мумкин. Бир талаба ташқи ишлар вазири ёки иқтисодиёт вазири сифатида мухбирларнинг саволларига жавоб бериши керак бўлади. Мухбир ролидаги талабалар ҳам мавзуга доир саволларни туза олишлари ва керакли терминларни ўрнида қўллай олишлари керак. Шу ўринда баъзи талабаларнинг тортинчоқлиги, рухий ҳолати ўрганилаётган тилда суҳбатлашишларини қийинлаштирувчи омил эканлигини таъкидлаш керак.

Published Date: - 18-10-2023

Бундай талабалар билан алоҳида ишлаш, уларнинг фаол иштирокини таъминлайдиган турли усулларни қўллаш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки хорижий тил таълимида талабанинг билимларини мустаҳкамлаш, сўз бойлигини давомли ошириб бориш масаласи жуда муҳим. Бунинг учун тил ўрганиш жараёнида дуч келган нотаниш сўз ва ибораларнинг маъноларини тўлиқ изоҳлаш;

Уларга маънодош ва зид маъноли сўзларни эслатиб ўтиш;

Турк ва ўзбек тилларида мавжуд шаклан ўхшаш сўзларга алоҳида эътибор қаратиш;

Ўрганилган сўзларнинг талабалар томонидан ёзма ва оғзаки нутқда қўлланилиши учун имконият яратиш;

Эслаб қолишлари учун луғат-диктантлар ёздириш лозим бўлади. Ўрганилаётган тилнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли усуллардан фойдаланиш сўзларни нутқда қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилишнинг асосий омилларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida xorijiy tillarni o‘rganishni ommalashtirish faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2021-yil 19-maydagi PQ-5117-sonli qarori.
2. Ранг билдирувчи сўзларнинг концептив табиатига доир. “Тил ва маънавият”, конференция материаллари, ТДЮИ, Т., 2012 99-102-бетлар
3. Турк тилини ўқитишда сўз маъноларини очиб бериш йўллари Имомова.Х Шарқ тиллари ва адабиёти фанларини ўқитиш методикасининг долзарб масалалари Тошкент, 2009.
4. Турк тилини ўргатишнинг баъзи интерфаол усулларига доир. С.Тошалиева. Лингвист Ш.Илмий мақолалар тўплами. Т., “Академнашр” 2012.